

(тахминан 1830-1862)

(1858-1862)

Минг сулоласидан бўлган Қўкон хони. Худоёрхоннинг акаси. 1858-йилги тахт учун курашда Худоёрхон қўшинини Сомончи кишлогИ яқинида енгиб Қўконни эгаллаган ва ўзини хон деб эълон қилган. 1860-йил Маллахон қўшин тўплаб Пишпак (ҳозирги Бишкек)ка, у ердан эса Чу дарёси бўйига келган. Бикат мавзеида тўплар билан куролланган 2 минг кишилик рус қўшини билан бўлган жангда Маллахон қўшини голиб чиққан. Лекин 1860-йил Г.А. Колпаковский отряди томонидан Узуноғоч мавзеида тор-мор келтирилган. 1860-1861-йиллари Туркистонни химоя қилиш учун Каноатшоҳни жўнатган, бироқ бу қўшин Туркистон шаҳрини, Жулук, Янгикўрган атрофидаги дашт аҳолисини талаб орқага қайтган. Маллахон қалъаларни қайтариб олиш учун бир неча бор ҳаракат қилган, лекин бу зоя кетган. Бу эса унга қарши норозиликни юзага келтирган. Шунингдек, оғир солиқ ва мажбуриятлар, муҳолифатга қарши жазо чоралари унга қарши фитна уюштирилишига олиб келган. Маллахон 1862-йил март ойида ўлдирилиб, ўрнига 17 ёшли Шох Мурод хон деб эълон қилинади. Маллахон ақлли давлат арбоб, мохир саркарда бўлган.

Унинг даврида кипчоқлар мавқеи тикланган, ҳарбий интизом мустаҳкамланган. Қоратегин вилояти Қўконга тобе эттирилган. Хитой ва Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилинган. Халқ фаровонлигини ошириш, янги ерлар ўзлаштириш, ирригация иншоотларини қуриш йўлида бир қанча ишлар амалга оширилган. Хусусан, узунлиги 20 км дан ортиқ Маллахон ариғи қурилган. XIX асрнинг 20-йилларида Муҳаммад Алихон томонидан жорий қилинган ҳар бир ҳарбий юриш олдида олинадиган улов пули ва тилла пули каби солиқлар бекор қилинган, 1861-йилда Ҳазрати Соҳиб мадрасаси қурилган. Фарғона водийсидаги бир неча қишлоқ Маллахон номи билан аталади.